



VATANDOSH

Vatandin yaxshi yor bo'lmas!

www.vatandosh.uz

The First Uzbek Newspaper in the U.S. | AQShdaги биринчи ўзбекча газета | 2014 йил 17 март, № 35

ПАСПОРТ ОЛИШ УЧУН ДОИММИЙ РУЙХАТДАН УТГАНМИСИЗ?

4-БЕТ



2-БЕТ

Қрим
кимники?



5-БЕТ

Яшанг,
Америкадаги
дзюдочиларимиз!



6-БЕТ

Goodbye,
Ҳамза?

ҚРИМ КИМНИКИ?

Қримда дунёнинг аксари тан олмаган референдум бўлиб ўтди. Оммавий ахборот воситалари тарқатган илк хабарларга кўра, унда овоз берганларнинг 93 фоиздан зиёди Қримнинг Россияга қўшилишини ёқлаган.

Намойишчилар ёлиб келиб, Киев майдончилар кўлига ўтгандан бери Қрим дунё нигоҳи марказида.

Воқеалар ривожига назар

Шу пайтгача Украинанинг мухтор республикаси бўлиб келган Қрим парламенти, Киев сиёсий таназулга юз тутгач, қутилмаганда Россияга қўшилиш даъвоси билан чиқди. Кремл бу ташаббусга кучоғини очиб, ҳатто Украинага қўшин киритиш борасида Парламентнинг “оқ фотиҳа”сини ҳам олди.

Россия даъвосига кўра, Қрим азалдан русларнинг

эгаллаб турибди.

Қрим кимники?

Қрим аслида кимники? Унинг Россияга қўшилиши, тарихий нуқтаи назардан, Москва учун йўқотилган худуднинг қайта қўлга киритилиши бўладими ёки Украина худудининг босқинчилик йўли билан тортиб олиними?

Вазиятни тарихий адолат тамойили билан ўлчайдиган бўлсак, Қрим Украинаники ҳам эмас, Россияники ҳам эмас. Қрим асрлардан бери бу масканни ватан тутган маҳаллий халқ – Қрим татарларининг ери. Улар бир пайтлар Чор Россияси босқинига қадар ўз мустақил



Sergei Supinsky, AFP/Getty

тадбирларда ютқизиши аниқ.

Бу ерда уларнинг Украина ва Россиядан қай бирини танлаши кераклиги ҳақида ақл ўргатиш фикридан йироқмиз. Аммо шуни таъкидламоқчимизки, Қрим тақдирини ҳал қиладиган ҳар қандай сиёсий қарор маҳаллий татарлар иштирокисиз ва розилигисиз амалга оширилмаслиги керак.

Қувғиндаги юрт

Энг кўп йўқотиш яна татарларнинг зиммасига тушяпти, деб бежиз айтмадик. Чунки бу шўрлик халқнинг адолатсизликка юз тутиши илк бор рўй бераётгани йўқ.

Қаттоллиги тарихга қонли сиёҳ билан битилган Сталин II Жаҳон уруши даврида Қрим татарларини хоинликда айблаб ёппасига Марказий Осиёга сургун қилади. Қрим татарлари тарихини ўрганган америкалик олима Инжи Боуман қувғин лаҳзаларини шундай ёдга олади:

“Тонг соат 3-4 ларда 30 минг аскар Қрим татарларини кўчириш учун сафарбар этилди. Улар эшик қоқиб, ҳар бир одамга тайёрланиш учун 15-20 дақиқа вақт берди. Эркаларнинг деярли барчаси фронтда эди. Уйда, асосан, аёллар ва ёш болалар бўлган...”

Инжи Боуманнинг айтишича, Қрим татарларининг 45 фоизи кўчиш пайтида ва қувғиннинг дастлабки уч йилида ҳалок бўлган.

Қримликлар бизнинг ватандошларимиздир

Сталин амри билан 1944 йил Ўзбекистонга сургун қилинган Қрим татарларининг кўпи тарихий ватанларини қайта кўрмай ўлиб

кетди. Кейинги авлодлар эса Ўзбекистонда туғилиб ўсди. Бугун тарихий ватанига қайтган Қрим татарларининг аксари Ўзбекистонни иккинчи, айримлари ҳатто биринчи ватани деб билади. Қрим татарлари миллий ҳаракатининг етакчиси Мустафо Жамил ҳам Ўзбекистонда улғайган. Бу ерга келганида у 6 ойлик чақалоқ эди.

Айни пайтда Ўзбекистонда ҳануз истиқомат қиладиган қримликлар сони 200 мингга яқин. Демак, улар том маънода бизнинг ватандошларимиздир.

Ўзбекистон Қримга бефарқ бўлиши мумкин эмас

Қрим татарлари яқин-яқингача кўни-қўшниларимиз, қариндош-уруғларимиз эди. Совет иттифоқи парчаланган, бу халқ ота-боболари қабри ётган ерларга қайтиб кетишни қасд этди ва натижада аксарияти Ўзбекистонни тарк этди.

Улар ўзбекчани яхши билади, Ўзбекистонни қўмсайди ва уни ўз ватанидек соғинади. Шу боис нафақат инсонийлик ва адолат нуқтаи назаридан, балки қардош, қондош ва ватандош халқ бўлгани учун ҳам Қрим татарлари тақдирига бефарқ қарашга бизнинг ҳаққимиз йўқ.

Демак, Қримда юз бераётган ҳақсизликка нисбатан сукут сақлаш, айниқса, биз учун энг номуносиб иш. Адолатсизликка қарши ўз сўзимизни айтишимиз лозим. Бу расмий баёнотларда ҳам, халқ сўзида ҳам ўз ифодасини топсин.

Беҳзод МАМАДИЕВ,
“Ватандош” газетаси
бош муҳаррири



Carolyn Drake, Panos Pictures

Qrim tatarlaridan biri o'tovga milliy bayrog'ini tikmoqda.

ери бўлган. Тарихчилар унинг собиқ Совет иттифоқи даврида Хрущёв томонидан 1954 йилда Украинага тортиқ қилиб юборилганини айтади. Шу боис кўплаб россияликлар ва уларнинг тарафдорлари учун Қримнинг Россияга қўшилиши тарихий адолатнинг қайта тикланишидир.

Бунга қарама-қарши тарафда Украина ва Ғарб дунёси турибди. Улар Россия ҳаракатини очиқ агрессия дея баҳоламоқда. Уларга кўра, халқаро ҳуқуқ нуқтаи назаридан, рус кучлари суверен Украина худудини ноқонуний

давлатларига ҳам эга бўлган. Бу ўлкада бугун кўпчиликни ташкил этувчи руслар ҳам, украинлар ҳам, кўпол қилиб айтганда, келгиндилардир.

Демак, Қримни Россияга бой бераётган Украина эмас, балки яна ўша Қрим татарларидир.

Қрим устида кетаётган сиёсий ўйинлардаги энг катта хато шундаки, на Ғарб ва на Россия Қрим халқи билан ҳисоблашишни истаяпти. Бугун сон жиҳатидан ўлкада озчилик элатга айланиб улгурган Қрим татарлари референдум каби кўпчиликнинг хоҳиши устун кўриладиган

“ВАТАНДОШ”ГА ОБУНА БЎЛИНГ

Газетамиз ҳар ой хонадонингиз меҳмони бўлсин!

www.vatandosh.uz/obuna

TO ADVERTISE IN
“VATANDOSH”,
PLEASE CALL:
(212) 372-3050

Vol. 35. Monday,
March 17, 2014

Publisher:
Vatandosh
Uzbek-American Federation

Editor-in-Chief:
Behzod Mamadiev

Managing Editors:
Farhod Sulton
Shohruh Kenjaev

Deputy Editors:
Murod Gafurov
Nilufar Salimova

Board Members:
Jo'ra Bo'tako'z
Narhudja Sadikov
Hikmat Sulton
Abdulmalik Ahmedov
Abdulvohid Sabri
Umar Zakirhojaev
Farog'at Zokirova
Dilshod Zokirov
Asqar Ubaydullaev
Siddiq Sanaev
Mansur Jumaev

Editorial and Executive
office:

2667 Coney Island Ave,
Brooklyn, NY 11235
Phone: 212-372-3050
Web: www.vatandosh.uz
Email: info@vatandosh.com

All materials in this newspaper have been copyrighted and are the exclusive property of Vatandosh, Inc, and cannot be reproduced without the due consent of the publisher.

The views and opinions expressed by our columnists do not necessarily reflect the editors' point of view. We are not responsible for content of advertisements and products and establishments advertised in Vatandosh.

ИЖОДКОРЛАР ДИҚҚАТИГА:

Биз билан ижодий ҳамкорлик қилишни истайсизми? «Vatandosh» боп мақола ва асарларингиз борми?

Ижодий ишларингизни ҳамда ҳамкорлик бўйича таклиф ва мулоҳазаларингизни info@vatandosh.com орқали бизга йўлланг.

«Билайн—Ўзбекистон» акциядори фаолияти текширилмоқда



АҚШ қимматли қоғозлар ва биржалар бўйича комиссияси «VimpelCom Ltd» компаниясининг Ўзбекистондаги фаолияти бўйича текширувни амалга оширишга киришган.

ИТАР-ТАССнинг «VimpelCom Ltd» расмий вакилига таяниб ёзишча, компания 11 март куни комиссиядан хат олган. Ушбу хатда комиссия текшириш ҳаракатларини бошлаганини ҳамда тегишли ҳужжатларни юборишни талаб қилган.

Компаниянинг маълум қилишича, операторнинг Амстердамдаги офисига Голландия прокуратураси вакиллари ташриф буюрган. «VimpelCom Ltd»нинг Россиядаги офиси бош қароргоҳга сўров юборган бўлса-да, тегишли жавоб олинмаган.

Сўнгги маълумотларга кўра, комиссия «VimpelCom Ltd» фаолияти бўйича ҳеч қандай аниқ бир айбловни илгари сурмаган. Шунингдек, текшириш у ёки бу жисмоний шахсга қаратилмаган. Аммо Америка қимматли қоғозлар ва биржалар бўйича комиссияси ҳамда Голландия прокуратураси компаниянинг тегишли ҳужжатларини олиб кетган.

«Тахминимизча, давлат идоралари эътирози компаниянинг Ўзбекистондаги фаолияти билан боғлиқ бўлиб, қандайдир аниқ айблов эълон қилингани йўқ», — деди «VimpelCom Ltd» вакили Артем Миноев.

Эслатиб ўтамиз, 2013 йилнинг октябрида Ўзбекистон солиқ органлари «Билайн-Ўзбекистон» фаолияти юзасидан навбатдан ташқари текширув ўтказгани ҳақида хабар берилган эди. Бундан ташқари, алоқа станцияларидан фойдаланиш учун рухсат берувчи Давлат алоқа инспекцияси ҳам компанияда текширувлар ўтказган. Текширув ишлари 2,5 ой давом этган ва бунинг натижасида назорат қилувчи органлар қоидабузарликлар аниқлашмаган.

Норвегиянинг «Telenor» (43 фоиз) ва Россиянинг «Altimo» (47,9 фоиз) компаниялари «Vimpelcom» холдингининг асосий акциядорлари ҳисобланади. Компания бош қароргоҳи Нидерландияда жойлашган.

«Chevrolet Orlando» минивени тақдироти ўтказилди

Тошкентдаги «Driver's Village» автосалонида «GM Uzbekistan» томонидан ишлаб чиқарилиши бошланган «Chevrolet Orlando» минивени тақдироти ўтказилди.



«Chevrolet Orlando» модели «GM Uzbekistan» учун ўнинчи модель бўлади. Бундан аввалроқ «Orlando» 2014 йил бошидан Ўзбекистонда ишлаб чиқарилиши бошланиши ҳақида хабар берилган эди.

«Orlando» модели Хоразм вилоятида йиғилади.

Автомобилнинг умумий кўрсаткичлари қуйидагича:

Узунлиги — 4 652 мм;

Эни — 1 836 мм;

Баландлиги — 1 633 мм.

Двигатель:

Ишчи сиғими — 1 796 литр;

От кучи — 141;

100 км. масофага ўртача бензин

сарфи — 7,9 литр;

100 км/соат тезликкача чиқа олиш

вақти — 11,8 сония;

Максимум тезлиги — 185 км/соат

(Спидометрда 220 км/соатгача

кўрсатилган).

1992 йилги облигациялар учун тўловлар амалга оширилади



Ўзбекистон Республикаси ҳукумати Ўзбекистон Республикасининг 1992 йилги 12 фоизли ички ютуқли заёмини аҳолидан қабул қилиш бўйича қарор қилди.

Молия вазирлиги ва Халқ банкнинг «Халқ сўзи» газетасида эълон қилган қўшма мурожаатига кўра, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 6 апрелдаги «Ўзбекистон Республикасининг 1992 йилги 12 фоизли ички ютуқли заёмини чиқариш ва уни тарқатиш тартиби тўғрисида»ги қарорига асосан, аҳоли ўртасида тарқатиш учун Ўзбекистон Республикасининг 1992 йилги 12 фоизли ички ютуқли заёми облигациялари чиқарилган.

Облигациянинг чиқариш шартларига асосан, уларнинг амалдаги муддати 20 йил этиб белгиланган бўлиб, 2014 йилнинг 1 июлигача тўловлар талаб қилиниши мумкин.

Давлат томонидан аввал қабул қилинган мажбуриятларни сўзсиз бажариш, фуқаролар жамғармаларининг кафолатли ҳимоясини таъминлаш, аҳоли ишончини мустаҳкамлаш мақсадида 2014 йилнинг 1 апрелидан 1 июлигача Халқ банкнинг ваколатли бўлинмалари аҳолидан (Ўзбекистон

Республикаси фуқаролик паспортини кўрсатган ҳолда) облигация эгалари номига «талаб қилиб олинганча» ҳисоб рақамини очиш ҳамда тасдиқланган ҳужжат бериш йўли билан облигациялар қабул қилинади.

Айни пайтда 2014 йилнинг 1 августидан 30 ноябрга қадар индексацияни ҳисобга олган ҳолда, пул маблағлари тўлаб берилади.

Белгиланган муддатларда тўловга берилмаган облигациялар ўз кучини йўқотади, тўловга қабул қилинмайди ва сўндирилмайди.

Ҳозирча ушбу облигациялар қанча миқдорда индексация қилиниши ҳақида маълумотлар берилмаган.

Мансабдор шахсларнинг хорижга чиқиши тартибга солинди



Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Мансабдор шахсларнинг хорижий мамлакатларга чиқиш тартибини такомиллаштириш чоралари тўғрисида»ги қарори қабул қилинди.

Қарор мансабдор шахсларнинг хорижий мамлакатларга чиқиш тартибини такомиллаштириш, хизмат сафарларининг самарадорлигини ошириш, Ўзбекистон Республикаси миллий хавфсизлиги ва давлат сирлари ҳимоясини таъминлашга қаратилган.

Ҳужжатга кўра, давлат сирини ёки ҳарбий сирини ташкил этувчи маълумотлардан хабардор мансабдор шахсларнинг хорижий мамлакатларга чиқиши белгиланган тартибда махсус келишувга асосан амалга оширилади.

Қарор асосида, мансабдор шахслар 3 тоифага ажратилган бўлиб, уларнинг хорижий мамлакатларга хизмат сафарига чиқиши тегишли тартибда Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг тегишли хизматлари билан махсус келишувни талаб қилади.

Ўзбекистон элчиси Сиэтл-Тошкент биродарлашган шаҳарлар кенгаши аъзолари билан учрашди



Ўзбекистоннинг АҚШдаги фавқуллодда ва мухтор элчиси Бахтиёр Ғуломов 3 март куни Тошкент — Сиэтл биродарлашган шаҳарлар кенгаши билан учрашди.

Бир пиёла чой устида бўлган мулоқотда Ўзбекистон — Америка муносабатларининг бугунги ҳолати, гуманитар ва маданий ҳамкорликни янада ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди. Кенгаш вакиллари кўра, учрашув дўстона кайфиятда ва самимий ўтган.

Тарихчилар Тошкент ва Сиэтл ўртасидаги алоқалар тарихини 1971 йил билан боғлашади. Ушанда Аляска авиакомпанияси раҳбарияти таклифига биноан, Тошкент шаҳар ижроқўми раиси (ҳокими) Воҳид Козимов ўзининг Иркутск ва Сочи шаҳарларидаги ҳамкасблари билан Сиэтлга ташриф буюради. Сиэтлнинг ўша вақтдаги мэри ва Козимов жуда қалин бўлиб кетишади ҳамда икки шаҳар ўртасидаги биродорлик алоқаларини ўрнатиш ташаббуси туғилади.

Бу ғояни амалга оширишда АҚШ президенти Ричард Никсоннинг 1972 йили Москвага қилган ташрифи муҳим роль ўйнади. Гарчи Никсоннинг мазкур расмий ташрифдан мақсади Шимолий Вьетнамга босим ўтказиш бўлса-да, ушбу учрашув доирасида ядровий қуролни қисқартиришга ҳам келишилади.

Сиэтл жамоатчилиги бу воқеадан руҳланиб, СССР билан маданий алоқаларни ҳам ўрнатиш зарурлигини қайд этишади. Сиэтл мэри Вес Ульман Никсонга Тошкент билан «опа-сингил» тутиниш ҳақидаги таклифини киритади. 1973 йилда Сиэтл собиқ иттифоқ ҳудудидаги шаҳарлар билан қардошлик алоқаларини ўрнатган биринчи шаҳар бўлади.

1974 йилда Сиэтлда «Тошкент» парки барпо этилади, кейинчалик машҳур ҳайкалтарош Шарипо Яковнинг «Бахт куши Семурғ» композицияси ушбу паркнинг кўркига айланади.

Айни пайтда Тошкентда ҳам «Тинчлик боғи» ва «Сиэтл» кафеси очилади. Эътиборли жиҳати, «Тинчлик боғи»ни барпо этишда юзлаб сиэтллик кўнгилчилар қатнашади. Ҳамкорликда турли маданий тадбирлар, байрамлар, анжуманлар ўтказиш йўлга қўйилади. Уларда, айниқса, дунёда тинчликни ўрнатиш ғояси устувор эди. Хусусан, 1983 йилда сиэтлликлар ядро урушининг олдини олиш истаги битилган хатга 42 мингта имзо йиғишиб, Тошкентга етказишади. Айни чоғда Тошкентда ҳам худди шу ният билан 120 минг имзо йиғилади.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач ҳам Тошкент — Сиэтл ҳамкорлиги жуда фаол бўлмаса-да, давом этмоқда. Сиэтлда ўзбек диаспораси томонидан турли миллий байрамларни ўтказиш анъанага айланган. 2008 йилда ўзаро ҳамкорликнинг 35 йиллиги кенг нишонланди.

«Vatandosh»

Вақтинчалик хорижга чиққан фуқаро доимий яшовчи сифатида рўйхатдан ўтиши мумкинми?

Савол: Мен АҚШга талаба визаси ҳамда Ўзбекистоннинг икки йиллик ОВИРини олиб чиққанман. Ҳозир грин карта мавжуд. Ўзбекистон консулликдан доимий яшовчи шахс сифатида рўйхатдан ўтмоқчи бўлсам, консуллик Ўзбекистонга бориб, у ердан доимий ОВИР олиб келинг, шундагина консулликка доимий яшовчи шахс сифатида рўйхатга қўямиз, деди. Хорижий давлатда доимий яшовчи мақомим бўлган ҳолда, нега энди Ўзбекистонга қайтиб бориб ҳужжатларни тўғрилашим керак, ахир бу консулликнинг иши эмасми?

Жавоб: Вазирлар Мақамасининг 1995 йил 6 январдаги 8-сон қарорига 1-Илова сифатида тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг чет элга чиқиши ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кириши Тартибининг II бўлим, 6-бандига кўра, вақтинча яшаш учун чет элга кетган, у ерга ошқора келган ва чет элда доимий яшашга қарор қилган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари доимий яшашга рухсатномани расмийлаштириш учун белгиланган шаклдаги ҳужжатлар билан Ўзбекистон Республикасининг тегишли консуллик муассасасига мурожаат қиладилар. Консуллик муассасаси фуқароларни чет элда доимий яшовчи сифатида рўйхатдан ўтказиш билан боғлиқ ҳужжатларини расмийлаштиради ва масалани белгиланган тартибда келишиш учун ҳужжатларни Ташқи ишлар вазирлиги орқали Ички ишлар вазирлигига юборади. Юқоридаги бандда эътибор бериш лозим бўлган муҳим жиҳат шуки, фуқаро хорижий давлатга ошқора келган, яъни барча ҳужжатларни тўғри расмийлаштирган ҳолда мамлакатдан қонуний йўл билан чиққан бўлиши керак.

Худди шундай саволга Ўзбекистон Республикаси Ташқи Ишлар Вазирлигининг Ўзбекистон Республикаси фуқаролари учун консуллик хизматлари интерактив веб саҳифасида ҳам жавоб берилган бўлиб, у ерда, жумладан, шундай дейилади:

Ваколатли органларининг қисқа муддатга хорижга чиқиш бўйича рухсатини олган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари Ўзбекистон Республикасининг хориждаги консуллик идораларига хорижда доимий яшаб қолиш учун рухсатнома олиш борасида мурожаат этишлари мумкин, фақат бунда аризачилар ўзлари турган мамлакатда қонуний мақомда истиқомат қилаётган бўлишлари шарт.

Бунинг учун куйидаги ҳужжатларни тақдим этиш зарур:

- Эркин тарзда ёзилган ариза;
 - Белгиланган шаклдаги анкета-ариза (консулдан олинади);
 - Паспортнинг барча варақларидан (шу жумладан, бўш варақлардан) олинган нусха;
 - Туғилганлик тўғрисида гувоҳнома (ёки унинг нотариал тасдиқланган нусхаси);
 - 14 ёшдан 18 ёшгача фарзандлари бўлса ва улар ота-оналари (ёки улардан биронтаси) билан хориждаги доимий турар-жойга чиқиб кетишга рози бўлса, уларнинг ариза шаклидаги нотариал тасдиқланган розиликлари;
 - Никоҳ тўғрисидаги гувоҳнома (ёки унинг нотариал тасдиқланган нусхаси);
 - Ота-оналарнинг, шунингдек, эрнинг (хотиннинг) нотариал тасдиқланган розиликлари (агар улар вафот этган бўлса, вафотини тасдиқловчи ҳужжатлар);
 - Эрнинг (хотиннинг) вояга етмаган фарзандлар билан бирга чиқиш учун ҳужжатларини расмийлаштиришда, хотиннинг (эрнинг) нотариал тасдиқланган розилиги бўлиши шарт (ҳатто ота-она никоҳи қайд этилмаган бўлса ҳам);
 - 6 та фотосурат (шунингдек, фарзандлар ҳам бирга расмийлаштирилаётган ҳолда, ҳар бир фарзанд учун ҳам);
 - Консуллик йиғими ҳамда амалдаги харажатларни қоплаш йиғими тўланганлиги тўғрисидаги паттанинг нусхаси;
 - Бошқа ҳужжатлар (Ўзбекистон Республикасининг ваколатли идоралари сўровига мувофиқ).
- Демак, хорижга вақтинча яшашга келган, Ўзбекистондан вақтинчалик (2 йиллик) ОВИР визаси билан чиққан ҳамда хорижий давлатда доимий яшовчи мақомини қўлга киритган фуқаролар Ўзбекистон консуллик муассасаларида доимий яшовчи сифатида рўйхатдан ўтиши мумкин.

Хорижда доимий яшовчи фуқаро сифатида рўйхатдан ўтишининг бир қатор афзалликлари бўлиб, жумладан, сиз па-



спорт янгилаш каби ҳужжатли ишларни Ўзбекистонга бормасдан туриб амалга оширишингиз мумкин. Шунингдек, хорижда доимий яшовчи Ўзбекистон Республикаси фуқароларига доимий муддатга ОВИР берилади. Бундан ташқари, Ўзбекистонга беш йилдан зиёд муддат давомида ташриф буюрмасангиз юзага чиқиши мумкин бўлган фуқароликни бой бериш хавфидан ҳам ҳоли бўласиз.

Агар консуллик ходимлари сизга бундай хизмат кўрсатишдан бош тортса, юқорида келтирилган қонуний ҳужжат банди ҳамда

Ташқи Ишлар Вазирлигининг веб саҳифасидаги жавобни консуллик ходимига кўрсатиш ва ҳуқуқингизни талаб қилинг. Бу иш натижа бермаса, консуллик ходими устидан консулхона раҳбари ёки Бош консул ёхуд хорижий давлатдаги Ўзбекистон Элчисига шикоят қилинг. Шикоятларингизга ижобий жавоб олмасангиз, Ташқи Ишлар вазирлигига консуллик ходими ёки муассасасининг устидан шикоят қилишингиз мумкин.

«Tashabbus.uz» сайти билан ҳамкорликда тайёрланди.

СКОРАЯ ЮРИДИЧЕСКАЯ ПОМОЩЬ!

Law Office of
Игорь Ниман

АРЕСТОВАННЫ

В НЬЮ-ЙОРКЕ ИЛИ НЬЮ-ДЖЕРСИ?

ЗВОНИТЕ КРУГЛОСУТОЧНО 718-382-1689

Лицензии верховных судов штатов Нью-Йорк и Нью-Джерси, а также федеральных судов восточных и южных округов Нью-Йорка и округа Нью-Джерси

- ПРОДАЖА И ХРАНЕНИЕ НАРКОТИКОВ
- ДЕТСКАЯ ПОРНОГРАФИЯ
- МОШЕННИЧЕСТВО С ЦЕННЫМИ БУМАГАМИ
- ПРЕСТУПЛЕНИЕ НА СЕМЕЙНОЙ ПОЧВЕ
- ЕЗДА В НЕТРЕЗВОМ СОСТОЯНИИ (DUI)
- НЕЗАКОННОЕ НОШЕНИЕ ОРУЖИЯ



ЗАЩИТА В FAMILY COURT

Law Office OF IGOR NIMAN, ESQ

БЕСПЛАТНАЯ КОНСУЛЬТАЦИЯ
718-382-1689

1909 EAST 17 STR (УГОЛ AVE S), BROOKLYN, NY 11229

Яшанг, Америкадаги дзюдочиларимиз!



лик қилишди. Қувонарлиси, ушбу мусобақада кураш юрти – Ўзбекистон фарзандлари зафар кучишди. Мусобақа ғолибларини мусобақа ташкилотчилари таклифига бинотан Ўзбекистоннинг кўп бора чемпиони Мансур Жумаев медаллар билан тақдирлади. Ўз вазн тоифаларида ғолиб бўлган қуйидаги спортчилар



Нью-Йоркнинг Бруклин шаҳрида “Ватандош” Ўзбек-Америка жамияти қошида дзюдо тўғараги фаолият бошлаганлиги ҳақида хабар бергандик.

Бугун 2 қарра Жаҳон ва Осиё ўйинлари совриндори, Сидней — 2000 Олимпиадаси иштирокчиси Мансур Жумаев бошчилигидаги Америкада истиқомат қилаётган фарзандларимиз – ёш дзюдочиларимиз расмий равишда Нью-Йоркдаги дзюдо спорт клублари ўртасида ташкиллаштирилган мусобақада



муваффақиятли иштирок этишди.

Тадбирда 4 та спорт клубида шуғулланувчи спортчилар ғолиблик учун даъвогар

римизни табриклаймиз:

- Жумаев Александр ўз вазн тоифасида мутлақ чемпион ва энг зўр иштирокчи

сифатида махсус соврин эгаси;

- Жумаева Ангелиса ўз вазни тоифасида ва бошқа тоифада 1-ўрин, 2 та медал соҳибаси;

- Саидмуродова Шабнам ўз вазн тоифасида 1-ўрин;

- Раҳмонова Стефани ўз вазн тоифасида 1-ўрин;

- Исроилов Бобуржон ўз вазн тоифасида 1-ўрин;

- Раҳмонова Британи ўз вазн тоифасида 1-ўрин ва энг гўзал қиз иштирокчи сифатида махсус соврин эгаси;

- Фурман Аъзамхон ўз

вазн тоифасида 2-ўрин;

Шундай қилиб, мазкур мусобақада “Ватандош” Ўзбек-Америка жамияти қошида дзюдо тўғараги спортчилари умумий ҳисобда фахрли 1-ўринни эгаллашди. Ушбу спортчиларга мураббийлик қилаётган юртимиз фахри – чемпион Мансур Жумаевга “Ватандош” Ўзбек-Америка Федерацияси номидан миннатдорлигимизни изҳор қиламиз ва шогирдлари кураги ерга тегмаслигига тилақдошмиз.

Дилшод ЗОКИРОВ

Бобур ижоди Америка талабалари нигоҳида

Мусулмон дунёсининг рамзий равишда илк этнограф ва антропологи ҳисобланмиш буюк мутафаккир олим Бобурнинг 531 йиллик юбилейи муносабати билан 28 февраль куни Индиана университети талабалари орасида “Бобурхонлик” мушоира кечаси ташкил этилди.

Тадбирда университетнинг икки йирик факультети - Марказий Евросиёшунослик ва Дҳар Ҳиндшунослик дастури талабалари Бобур ва Бобурийлар сулоласи ижодидан туркий, форс ва ҳинд тилларида битилган рубоий ва ғазалларни ёд олдилар.

Бобурхонлик кечасида Марказий Евросиёшунослик факультети профессори Назиф Шаҳроний нутқ сўзлаб, Бобурнинг этнографлик қобилияти ҳақида “Бобурнома”дан Самарқанд ва Фарғона ҳудудларини қандай юксак маҳорат билан геогра-

фик терминларни қўллаган ҳолда профессионал даражада тасвирланган намуналарни келтириш билан тадбирга ташриф буюрган барча олим ва талабаларда Бобур шахсиятига қизиқишни янада орттирди.

Индиана университети Марказий Евросиёшунослик факультети ўзбек тили катта ўқитувчиси Малик Хўжаев Бобурнинг 47 йиллик қисқа умри давомида тарихда қолдирган унутилмас излари ҳақида атрофлича маълумот бериб, “Бобурхонлик” кечасининг мушоира қисмини очиқ деб эълон қилди.



Тадбир мусобақа тарзида ташкил қилинган бўлиб, унда Индиана университети профессор-олимлари ҳайъат аъзолари сифатида



ҳар бир талаба чиқишини баҳолаб боришди. Ҳакамлар ҳайъати аъзолари сифатида уйғур тили катта ўқитувчиси Гулниса Назарова, пушту тили ўқитувчиси, профессор Раҳмон Имомхўжаев, Индиана университети Уэльс кутубхонаси етакчи мутахассиси Ақрам Хабибуллаев, форс тили ўқитувчиси, профессор Шаҳяр Данешгар, санскрит ва урду тили ўқитувчиси Дҳипа Сундарамн таклиф қилиниб, ҳайъат раислиги Профессор Назиф Шаҳроний томонидан бошқарилди.

Мушоирада 10 нафардан зиёд талаба қатнашиб, бир ой давомида бу тадбир учун дарсдан бўш

вақтларида Фулбрайт дастури ўзбек тили ассистент-ўқитувчиси Гулҳаё Қобилова билан мунтазам тайёрланиб боришди.

Қатнашчилар орасидан Ами-та Вемпати “Яхшилиғ” радиопрограммалари фахрли жонли ижрода куйлаб, мутлақ ғолибликни қўлга киритди. 2- ўрин жўрликда ёд олган ҳинд тилини ўрганаётган талабалар Майкл, Сидней ва Якобга насиб этган бўлса, 3- ўринни “Баҳор айёми” дея бошланувчи нафис ғазални ёд олган Марьям Ж.Вудс эгаллади. Ғолиблар Заҳириддин Муҳаммад Бобур қаламига мансуб “Бобурнома” асарининг инглиз тилига қилинган таржима китоблари билан тақдирланди.

Мусобақани ташкил этишда Ўзбек олимлари ва талабалари уюшмаси катта ташаббус кўрсатиб, уюшма маслаҳатчиси Умида Ҳикматуллаеванинг қўллаб-қувватлаши ҳамда Блумингтон шаҳарчасидаги “Анатолия” ресторанининг ёрдами билан тадбир аъло даражада бўлиб ўтди.

Дастур Бангладешлик Фулбрайт Хорижий тил ўргатиш ассистенти Резфат Мунмун ижросида жонли кўшиқ ва ҳиндча рақс билан яқунланди.

Гулҳаё ҚОБИЛОВА,
Индиана университети
Фулбрайт Хорижий тил ўргатиш
ассистенти,
Ўзбек олимлари ва талабалари
уюшмаси вице-президенти

Ўзбекистон интернет оммавий ахборот воситаларида тарқатилган сўнгги хабарларга кўра, Тошкент шаҳри Ҳамза тумани номини ўзгартириш кўриб чиқилмоқда. «Kun.Uz»нинг Тошкент шаҳар Ахборот хизмати таяниб хабар беришича, Ҳамза тумани номини ўзгартириш масаласи ҳозирда кун тартибда турибди. Ҳозирги вақтда ушбу тумандаги маҳаллалар аҳолиси, зиёлилардан бу борада қатор таклифлар келиб тушган, улар орасида туманининг янги номи борасидаги таклифлар ҳам бор.

«Бу бир инсоннинг хоши-иродаси билан бўладиган иш эмас, бунинг ўзига хос расмий жараёни бор, ҳусусан, бу таклифлар ҳали Олий Мажлисга тақдим этилмаган. Ҳозирги вақтда ушбу таклифлар фақат ўрганиб чиқилмоқда. Улар орасида, ҳақиқатан ҳам, Яшнобод варианты ҳам бор, лекин бу ҳали расман ҳужжат даражасида тасдиқланмаган», — дея маълумот беради Тошкент шаҳар ҳокимлиги ахборот хизмати вакиллари.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, Ўзбекистонда “Географик объектларнинг номлари тўғрисида”ги Қонунга кўра, вилоятлар, туманлар, шаҳарлар, шаҳарчалар, қишлоқлар, овуллар, аҳоли пунктларига одамларнинг исми-шарифини беришга, шунингдек уларни тарихий

воқеалар шарафига номлашга, қоида тариқасида, йўл қўйилмайди. Ўзбекистон тарихида чуқур из қолдирган шахслар бундан мустасно.

Ўзбекистонда туман номлари халқ депутатлари маҳаллий кенгашининг қарори асосида Вазирлар Маҳкамаси томонидан Олий Мажлисга тақдим қилинадиган қонун асосида кўриб чиқилади.

«Kun»нинг ёзишича, Тошкент

Улуғбек (1992 йил майгача Куйбишев), Юнусобод (1992 йил майгача Киров), Яккасарой (1992 йил майгача Фрунзе), Шайхонтоҳур (1992 йил майгача Октябрь), Учтепа (2005 йил майгача Акмал Икромов) туманлари номи ўзгарган. Бектемир тумани 1990 йил февралда Тошкент шаҳри таркибига киритилган.

Эслатиб ўтамыз, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий 1889 йил 6 мартда Қўқонда зиёли оилада — табиб Ибн Ямин Ниёз ўғли оиласида туғилди. XX аср ўзбек адабиётининг йирик намоёндаларидан, шоир, драматург, театр


арбоби, педагог. У новатор ижодкор сифатида бадиий адабиётнинг ҳамма турларида қалам тебратди. У адабий ижод билан мусиқа, режиссёрлик санъатини қўшиб олиб борди, натижада ўлмас саҳна асарларини яратди:

«Миллий ашулалар учун миллий шеърлар мажмуаси», «Заҳарли ҳаёт ёхуд ишқ курбонлари», «Майсаранинг иши» каби шеърый тўплам ва драмалари мана шундай ижоднинг ёрқин намуналаридир.

Интернетда Ҳамза тумани номи ўзгариши ҳақидаги хабарлар айнан 6 мартга тўғри келгани тасодиф бўлиши мумкин.

«Vatandosh»

Goodbye, Ҳамза?



шаҳрида сўнгги марта Олмазор тумани ўзгартирилган — туман 2010 йил декабргача Собир Раҳимов номи билан аталган.

Ҳозиргача Тошкентдаги Миробод (1992 йил майгача Ленин), Мирзо

Ўзбекистон элчихонасида мумтоз мусиқа садолари янгради



2014 йил 28 февраль куни Ўзбекистоннинг Америкадаги элчихонаси биносида мумтоз мусиқа кечаси ўтказилди.

Меҳмон сифатида Американинг давлат идораларида фаолият юритувчи сийосатчилар, ҳарбийлар ва ўзбек маданияти мухлислари бўлган америкаликлар йиғилган кечани Ўзбекистоннинг Америка Қўшма Штатларидаги Фавкулдда ва Мухтор элчиси жаноб Бахтиёр Фуломов табрик сўзи билан очиб берди.

Шундан сўнг Жонс Хопкинс университети Халқаро алоқалар факультети раҳбари ҳамда Марказий Осиё Кавказ институтини раиси профессор Фредерик Стар Ўзбекистон тарихи ҳақида меҳмонларга сўзлаб берди.

У Абу Али ибн Сино, ал-Фарғоний, ал-Форобий, Имом ал-Бухорий ва бошқа аждодларимиз амалга оширган ишларни санаб ўтди.

Сўнг 1978-2005 йилларда Нью-Йорк Филармониясида раҳбар бўлган Жозеф Робинсон Ўзбекистонни айнан санъат, профессионал мусиқачилар сабабли таниганлигини айтиб, мазкур кечада иштирок этган ёш профессионал мусиқачиларнинг истеъдодига тан берганини ва бошқа америкаликларнинг ҳам бу истеъдод эгаларининг ижодидан баҳраманд бўлишини исташини таъкидлади.

Кечада Ўзбекистон давлат Консерваториясида таҳсил олган ва ҳозирда Индиана Университети қошидаги Жакобс мусиқа мактабида пианино бўйича мураббий сифатида фаолият юритаётган Гулрух Шакирова ҳамда Ўзбекистон давлат Консерваториясида таҳсил олган Тошкент триоси мусиқачилари, шунингдек, асли ўзбекистонлик, ҳозирда Германиянинг Гамбург шаҳрида профессор сифатида фаолият олиб бораётган опера ижрочиси Дмитрий Варгин ўз чиқишлари билан меҳмонларнинг олқишига сазовор бўлди.

Концертда Чайковский, Шостакович, Моцарт асарларидан мусиқа ва опера тингланди. Тадбирнинг биринчи қисми “Браво”, “Офарин” деган ҳайқириклар ва гулдурас қарсақлар билан якунига етди. Элчи жаноблари Бахтиёр Фуломов иштирокчиларга гулдаста тақдим этди.

Тадбирнинг иккинчи қисмида элчихона ошпазлари томонидан пиширилган миллий таомларимиз билан тўла дастурхон ёзилди. Мазкур тадбирда санъат ва миллий таомларимиз уйғунлиги америкалик меҳмонларга юртимиз Ўзбекистон билан яқиндан танишиш имконини берди.

Дилшод ЗОКИРОВ

Давлат ташкилотлари нечоғлик очиқ?

Ўзбекистон президентининг бир гапи бор: Қонунни қабул қилиш масаланинг 50 фоизи, унинг ижроси эса қолган 50 фоизни ташкил қилади. Дарҳақиқат, бугунги кунда Ўзбекистонда жамият ҳаётининг турли жабҳаларини тартибга соладиган қонунлар, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Улар ўзининг мукамаллиги билан ривожланган мамлакатлар тажрибасидан қолишмайди.

Ана шундай қонунлардан бири “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги қонундир. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинган қонун, Сенатнинг навбатдаги мажлисида кўриб чиқилиши режалаштирилган.

Қонун фуқароларнинг ахборотга бўлган конституциявий ҳуқуқларини амалга оширишга қаратилган. Унда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фаолияти тўғрисида жамоатчиликни хабардор қилиш тартиб-таомиллари белгилаб қўйилган; давлат органлари фаолиятининг, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар сиёсатининг, давлатимиз ташқи ва ички сиёсатининг шаффофлигини, очиқлигини, сиёсий плюрализмни, мамлакатимизда ва ундан ташқарида рўй бераётган ҳодисалар ҳақидаги фикрлар хилма-хиллигини ҳисобга олган ҳолда таъминлаш масалалари назарда тутилган.

Албатта, бу қонунни қабул қилиш гоёяси шунчаки пайдо бўлгани йўқ. Не-

гаки, Ўзбекистон глобал ахборот маконининг бир қисми сифатида ривожланиш йўлини танлаган экан, албатта, ахборотларни яшириб эмас, балки имкон қадар Ўзбекистон ҳақидаги ахборотларни биринчилардан бўлиб тарқатиш орқали, қолаверса, жамиятда фикрлар хилма-хиллигини таъминлаш орқали эришиш мумкин.

Хабар қилганимиздек, кеча Ўзбекистонда «GM Uzbekistan» томонидан ишлаб чиқарилаётган автомобилларнинг навбатдаги модели тақдимоти бўлиб ўтди. “Подробно” ахборот агентлигининг ёзишича, ушбу тақдимот жуда махфий равишда ўтказилган. Негаки, ушбу тадбирга «ЎЗА», «МТРК» ва бошқа айрим сайтлар мухбирларидан ташқари деярли бошқа ҳеч бир ОАВ вакиллари жалб қилинмаган.

Бугунги ахборот хуружлари пайтида ахборотни яширган эмас, балки уни биринчи бўлиб тарқатган ютишини исботлашнинг ҳожати йўқ. Афсуски, Ўзбекистонда айрим ташкилотлар бу қонундан ҳали ҳам англаб етмаган кўринади.

Албатта, у ёки бу ташкилот фаолияти давлат манфаати, сирга оид бўлганида тушуниш мумкин. Чунки давлатнинг у ёки бу соҳадаги манфатлари таъминланган бўлади. Афсуски, асосий фаолияти истеъмолчиларга қаратилган айрим давлат улуши бўлган корхоналар ҳам борки, улар жамият учун энг ёпиқ ташкилотлар ҳисобланади.

“Подробно” ахборот агентлигининг

ёзишича, тақдимот маросимида бир нечта давлат оммавий ахборот воситалари жалб қилинган, холос. Бундай ҳолатлар аввалги тақдимотларда ҳам учрайди. Агентликнинг ёзишича, ўзбек интернет сайтлари яна шу бир ёқлама тайёрланган ахборотларни ва суратларни “тиражировать” қилишига тўғри келган. Бундай ахборотнинг сифати ёки самарадорлиги ҳақида гапириш ноўрин, албатта.

Бугун оммавий ахборот воситаларини ривожлантиришга шу даражада эътибор қаратилаётган бир шароитда, “нега маҳаллий автосаноат — “Ўзавтсаноат” акциядорлик компанияси нодавлат оммавий ахборот воситалари билан алоқа ўрнатишга уринмаяпти? Нега улар “кераксий” қулоқлардан “ортиқча” ахборотларни яширган ҳолда ОАВни инкор қилмоқда? Ваҳоланки, автосаноат бугун мамлакат ғурури”, деб савол беради агентлик.

Давлат ташкилотлари фаолиятининг очиқ бўлиши бугун уларнинг хошиши эмас, балки мажбурияти бўлиши лозим. Зеро, ахборот хуружлари шароитида ахборотни ёпиш эмас, балки биринчи бўлиб тарқатиш фойда келтиради. Парламент қуйи палатаси қабул қилган “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги қонун, умид қиламизки, мана шундай ёпиқ ташкилотларнинг “кўзини очиб қўяди”.

«Vatandosh»

Энсам қотади. Фашим келади ҳар иккита гапидан бирини «Ҳозирги, бугунги ёшлар», дея бошлаб, бутун бошли авлоддан нолигувчи нолонларни учратсам, шу каби гапларни эшитсам. Негадир, шунақаларга кўп йўлиқаман. Ё шундайинлар жуда кўп ёки борларнинг бари менга учрайди.

Хуллас, энсанинг бирламчи функцияси — қотиш учун етарлича сабаб топилади. Ҳар ҳолда сўнгги бир ҳафта мобайнида уч ёки тўрт бора шундайлар билан ҳамсуҳбат бўлишдек бахтга муяссар бўлдим.

Танқид — яхши. Танқид — зўр. Камчиликларни кўрсатиш жуда ўринли, мақбул иш. Лекин...

Лекин олди-орқасига қарамай «бугунги ёшлар мана бундоқ», «ҳозиргилар ундоқ бўлиб кетган», «мана бизнинг давримизда...» деган жумлалар ёрдамида содда ва мураккаб, дарак ва ундов, бамаъни ва бемаъни гаплар билан бутун бошли авлод устига бемалол мағзавани ағдариб қўядиганларнинг гапи кўп ҳам ўринли бўлавермайди. Менда савол бериш истаги туғилишига сабаб бўлади, холос.

Жаноблар, бизларни ўзингиз ва сизлардан каттароқ авлод вакилларида кўра билимсизроқ, ахлоқсизроқ, уятсизроқ, бетаъсирроқ, бетайинроқ бўлиб бораётганимиздан нолиш жараёнида, мана шу авлодни ким тарбия қилгани ҳақида унутиб қўймаёпсизми? Кимдан нолишингиз керак аслида?

Ўз вақтида муҳандисликка қизиққан фарзандининг қизиқишидан

кўра, отарчи қўшнисининг ҳаёт тарзи, топаётган пули миқдорига ҳаваси устунроқ келиб, бирор ҳофизга шогирдликка бериб, бўлғуси муҳандисни машшоқ қилган инсонларнинг ҳозирги ёшлар енгил-елпи ҳаёт тарзига мойилроқ бўлиб кетганидан нолишини қабул қила олмайман.

учун ёшининг кичрайтирилишида жонбозлик кўрсатган, аканинг метркасини укаси ёки жияниники билан алмаштирганлар Ўзбекистон терма жамоасининг Жаҳон чемпионати йўлланмасига эга чиқа олма-



Аброр ҚОДИРОВ | Abror.uz

Ҳеч бўлмаса...

Ўзбекистон, ундаги сиёсий жараёнлар, келаси йилги сайловлар ҳақидаги саволларни жавобсиз қолдиришга имкон қадар уринадиган, ўзини олиб қочадиган сиёсатшунослик фанидан дарс берувчи педагогнинг бугунги ёшлар сиёсий нофаоллиги, сиёсий билимлари-ю, дунёқараши кенг эмаслиги, ҳуқуқий маданиятидан нолишини бизга нисбатан ноҳақлик, вазиятга нисбатан мантиқсизлик деб биламан.

Фарзанди болалар футболда қандайдир натижалар қайд этиши

ганидан нолишга-да ҳақли эмас деб ҳисоблайман.

Ўз вақтида сиз йўл қўйган бееътиборлигингиз сабаб авж олган ўша тўй-ҳашамнинг тўйдан кўра кўпроқ ҳашамга айлангани, қайсидир сабаблар билан қарши чиқа олмаганингиз стереотиплар ва мантиқий асосга эга бўлмаган ортиқча урф-одатлар туфайли юзага келаётган муаммоларни ҳам шунчаки бугунги авлоднинг бебошликлари билан боғлаб қўя қолишга қанчалик ҳақли эканингиз ҳақида ўйлаб кўрганмисиз ҳеч?...

Масъулият — оғир юк. Уни ҳис этиш уни бажаришдан кўра, уни ўздан соқит қилишга интилиш, айбни кимгадир ағдаришга ҳаракат қилиб, атрофдан айбдорлар излашга уриниш билан ўзини тинчлантириш осонроқ, енгилроқ йўл бўлса керакки, шу билан овора бўлишди кўпинча.

“Ҳаммаси сизнинг қўлингизда”, “Ҳаммаси сизга боғлиқ” каби биз томон айтиладиган гаплар кейинчалик “Ҳаммасига ўзингиз айбдорсиз”га айланмаслиги учун, бироз масъулиятни ҳис этсангиз, ечимлар қидирсангиз, биздан-да шуни талаб этсангиз яхшироқ, мантиқийроқ, тайинлироқ иш бўлармиди? Янаям билмадим.

Фақат «бугунги ёшлар» дея бошланадиган норозиликларингиз билан энсаларнинг қотишига сабабчи бўлаверманг, иложи бўлса. Ҳеч бўлмаса.

Ташаккур.

Туркий бирдамлик: ҳақиқат ёки хомхаёл?

Тарих бўйича билимларимнинг озлигиданми ёки яна бошқа сабаб биланми, хуллас, барча туркий миллат вакиллари бир давлат таркибида, бир байроқ остида яшаганини ҳеч эслай олмадим. Бир давлат ва иттифоқ тугул, барча туркий халқларни бирлаштирувчи обрўлироқ бирор бир уюшма ва ёки ташкилотнинг номи ҳам эслай олмадим.

Шундай бўлсада, туркий бирдамлик мавзуси тез-тез кўтариладиган мавзулардан бири ҳисобланади. Туркий бирдамлик ҳақида гап кетганида, кўпчилик дарҳол Туркия, пантуркизм ва панисломизм деган сўзларни эслайди. Албатта, Туркиянинг барча туркий давлатлар раҳнамосига айланиш истаги йўқ, деб айтиб бўлмайди. Бугунги кунда бу мавзунинг энг кўп кўтарилган ва тарғиб қиладиган ҳам айнан Туркия ёки туркияликлардир. Лекин ҳозиргача бу йўлда бирор сезиларли натижага эришилгани йўқ. Туркия, Озарбайжон, Қозоғистон ва Қирғизистонни ўз ичига олган ташкилотдан ҳам бирор натижа чиқишига ишониш қийин.

Шахсий фикримча, туркий бирдамлик айни кунларда амалга ошиши ниҳоятда қийин ва мураккаб бўлган ишдир. Бунинг бир нечта сабаблари мавжуд.

Биринчи сабаб — бу туркий давлатлардаги бугунги сиёсий ҳолат ва ҳокимият тепасида турган шахслар. Бугунги кунда мен билган олти мустақил туркий давлат бор — Туркия, Озарбайжон, Қозоғистон, Туркменистон, Ўзбекистон ва Қирғизистон. Бу давлатларнинг бугунги кундаги сиёсий-иқтисодий ва ижтимоий-маданий ривожланиш йўналишлари ва даражалари бир-биридан анча фарқ қилади. Бундай вазиятда бир ёқадан бош чиқаришнинг имкони йўқ. Бунинг амалий

натижасини бугунги куннинг ўзи ҳам кўрсатиб турибди. Ҳаттоки, бир қарашда бу ғоянинг асосий ташаббускори деб кўриладиган Туркия ҳам асосан Яқин Шарқ минтақасидаги етакчилик, Европа ва АҚШ билан ҳамкорликни биринчи ўринга қўяди.

Иккинчидан, одамларимиздаги туркий бирдамликка бўлган эҳтиёжнинг кучли эмаслиги ёки унинг умуман мавжуд эмаслиги. Назаримда, бугун туркий давлатлардаги одамларни бир миллат вакили, деб аташ жуда ва жуда қийин. Қолаверса, Собиқ Иттифоқ давридаги (бу сиёсат Марказий Осиё давлатларида ҳамон давом этмоқда) миллий сиёсат натижаси ҳам таъсир қилади. Яъни, мен туркийман дейишдан, мен ўзбекман, қирғизман ёки қозоқман дейиш одамларимизга кўпроқ ёқади.

Мустақилликдан кейин бошланган тарихни қайта ёзиш жараёни эса халқларимизни бир-биридан янада узоқлаштирди, наза-

римда. Тарих китобларимизда фақат ўз миллатимизнинг қандай буюк эканлиги, қандай бой тарихга эга эканлигимиз, қандай буюк инсонларнинг фарзанди эканлигимиз ёзилди. Натижада барча миллат вакилларида олийлик ҳисси уйғонди, қолганларга, айниқса қардош миллатларга паст назар билан қараш кучайди. Минтақада миллатчилик кайфияти кучайиб бораётгани бунга мисол.

Учинчи ва менинг назаримда энг катта сабаб — дунёнинг энг қудратли давлатлари туркий давлатлар иттифоқидан умуман манфаатдор эмас. АҚШ, Буюк Британия ва Европа Иттифоқи бундай иттифоқ бу давлатлар устидан назорат ўрнатиш қийинлашиши сабаблигина қарши бўлса, Россия ва Хитой ҳудудий ялтилигини сақлаб қолиш учун ҳам қарши бўлади. Тасаввур қилинг, барча мустақил туркий давлатлар иттифоқ тузиб, ривожлана бошлади; ташқи ва ички таҳдидларга биргаликда ечим топа бош-

лашди; хуллас, иттифоқ ўз самарасини бера бошлади. Бундай ҳолат, табиийки, бошқа давлатлар таркибидаги туркий давлатларда ҳам бу иттифоққа кириш ниятини уйғотади. Яна ҳам аниқроқ айтсам, Россияда татарлар ва бошқирлар, Хитойда уйғурлар бу давлатлар таркибидан чиқиш истагини билдириши эҳтимолдан ҳоли эмас. Ўзи шундоқ ҳам муаммоли саналган бу мавзунинг яна авж олишини Россия ва Хитой хоҳламадлиги аниқ, албатта. Эрон ва Афғонистонда ҳам кўп сонли туркий миллат вакиллари яшашини ҳисобга олсак, бу давлатлар ҳам туркий бирдамликдан хурсанд бўлмаса керак. Кўриб турибмизки, деярли ҳеч ким бизнинг бирлашишимиздан манфаатдор эмас. Бу эса бирлашиш йўлига олиб келувчи ҳаракатлар бошланиб улгурмасиданоқ уларни йўқ қилишга қаратилган дастурлар ҳам пайдо бўлади деганидир.

Financial Aid Available

(FOR THOSE WHO QUALIFY)

Job Placement Assistance

- Comprehensive Accounting (Excel, QuickBooks, Peachtree)
- ESL (English As a Second Language)
- Medical Office Specialist (EKG, Phlebotomy, Medical Billing)

The National Certification Exam is offered after completing the Medical Office Specialist program:



Patient Care Technician
 Phlebotomy Technician
 EKG Technician
 Clinical Medical Assistant
 Medical Administrative Assistant
 Medical Laboratory Assistant
 Medical Billers/Coders



Accredited by Council for Independent Colleges and Schools (ACICS). Licensed by the New York State Education Department

MANHATTAN SCHOOL OF COMPUTER TECHNOLOGY

ADDRESS: 931 Coney Island Avenue, Brooklyn, NY 11230

(Between Ditmas and Newkirk Ave)

DIRECTIONS: Train **B, Q** to Newkirk Ave or Bus **B8, B68** to Coney Island Ave and Newkirk Ave

CALL:

(718) 360-1534

NYS CAS

A Division of
TOURO COLLEGE

College with a personal touch

ASSOCIATE'S AND BACHELOR'S DEGREES

- Business Management and Administration • Information Technology • Human Services
- Psychology • Education • Biology • Social Sciences • Paralegal Studies
- Digital Multimedia Design • Liberal Arts and Sciences • and more

INTEGRATED HONORS TRACKS

Undergraduate/Osteopathic Medicine
Undergraduate/Pharmacy

OTHER PROFESSIONAL OPPORTUNITIES

• Pre-Law • Pre-Medical • Pre-Dental

INFORMATION SESSIONS:

Manhattan: 27-33 West 23rd Street, Admissions Office
Wednesdays, 12 noon-5 pm

Brooklyn: 1870 Stillwell Avenue, Admissions Office
Wednesdays, 11 am-7 pm

www.touro.edu/nyscas

- Zamonaviy kompyuter laboratoriyalar
- Ingliz tili kurslari
- Kunduzgi va kechki darslar
- Xalqaro talabalarni qabul qilamiz
- Moliyaviy yordam
- Transfer students welcome!



scan here

BROOKLYN: 718.265.6534 x1002

Bensonhurst, Brighton Beach, Flatbush,
Kings Highway, Starrett City

MANHATTAN: 212.463.0400 x5500

QUEENS: 718.520.5107 x102 Forest Hills

Hurmatli do'stlar!

Agar siz Amerikada o'qib, diplom olmoqchi bo'lsangiz va buning uchun sizda **ingliz tili va matematikada** yetarli bilim bo'lmasa, hech xavotir olmang, biz sizga albatta yordam beramiz.

Touro College tayyorlov kurslari joriy qildi. Unda siz o'qishga kirish uchun yetarli ma'lumotni olib, orzuingizga erishishingiz mumkin.

Darslar qulaylik uchun kechki soatga mo'ljallangan. Vaqtni yo'qotmang.

Quyidagi telefon orqali bizga qo'ng'iroq qiling. 718.336.6471 x30119 Kristina

New York School of Career and Applied Studies

Touro College is an equal opportunity institution

ADVERTISE WITH US

Call Us Now!



212-372-3050

“Vatandosh”га обуна бўлинг!

Газетамиз ҳар ой хонадонингиз меҳмони бўлсин.

Обуна бўлиш йўллари:

Сайт орқали: www.vatandosh.uz/obuna | Телефон: 212-372-3050

*Обуна дунёнинг барча давлатлари учун очиқ.



“Vatandosh” газетасини Нью-Йоркнинг қуйидаги манзилларидан бепул олишингиз мумкин

BROOKLYN

1901 Emmons Ave (Cherry Hill)
203 Brighton Beach Ave (Pharmacy)
252 Brighton Beach Ave (Pharmacy)
277 Brighton Beach Ave (Pharmacy)
274 Brighton Beach Ave (Pharmacy)
424 Brighton Beach Ave (L&S Pharmacy)
511 Brighton Beach Ave (Pharmacy)
602 Brighton Beach Ave (Apteka)
1129 Brighton Beach Ave (Seabreeze Pharmacy)
608 Sheepshead Bay (Net Cost Market)
191 Neptune Ave (Lemborg Pharmacy)
373 Neptune Ave (S&K Pharmacy)
2910 Brighton 8 St (Discount Phone Cards)
2914 Coney Island Ave (Produktovaya Baza)
1324 Sheepshead Bay Rd (Monica Pharmacy)
2610 E 14 St (European Delikatessen)
2651 E 14 St (Dialise Center)
2617 E 16 St (Z Drugs)
1627 Jerome Ave (Friendly Food)
1653 Sheepshead Bay Rd (Pharmacy)
2570 E 17 St (Pharmacy)
2807 Ocean Ave (Fast Pharmacy)
2749 Ocean Ave (Golden Fish)
1917 Ocean Ave (Medical Office)
1929 Kings Hwy (Ocean Pharmacy)
1909 Kings Hwy (Pharmacy)
1811 Kings Hwy (Pharmacy)
1425 Kings Hwy (Pharmacy)
1416 Kings Hwy (Sankt Peterburg)

1671 E 13 St (Pharmacy)
445 Kings Hwy 2nd Floor (Dr. Shulman)
1141 Brighton Beach Ave (Café Kashkar)
287 Brighton Beach Avenue (Vintage Food Corp)
301 Brighton Beach Avenue (Brighton Fabrics & Variety)
3144 Atlantic Ave (Mobilia Furniture And Carpet)
2689 Coney Island Ave (Oasis Café)
35 Neptune Ave (1001 Nights Restaurant)
414 Ditmas Ave (Afsona Restaurant)
2487 Coney Island Ave (Living Way School)
1053 Brighton Beach Ave (Fuat Hair Salon)
837 Ave Z (Fast Professional Taxes)
407 Ditmas Ave (Madina R Inc)
2818 Coney Island Ave (Nargis Café)
141 Neptune Ave (Atlantic Export)
5911 8 th Ave (United American Muslim Association)
1901 Emmons Ave (Masal Café)
3911 13th Ave (Uzbekistan Restaurant)
21 Church Ave (Masjid Nurul Islam)
922 Pennsylvania Ave
1120 Flatland Ave
945 E108th St
915 E107th St
2126 Knapp St
3031 Ave V
3495 Nostrand Ave
3610 Nostrand Ave
87 West End St (Apteka)
122 West End St (Medical Office)
3065 Brighton 14th St (Optical)
124 Brighton 11th St (Apteka)

1630 E15th St (Medical Office)
1841 Coney Island Ave (Apteka)
533 E 7th St (Apteka)
511 Cortleouy Rd (Apteka)
4125 18th Ave (Apteka)
128 Ditmas Ave (Apteka)
531 Church Ave (Apteka)
4514 F. Hamilton Ave (Apteka)
2315 65th St (Apteka)
1930 Ave M (Apteka)
201 Kings Highway (Medical Office)
2046 Bath Ave (Apteka)
9517 Ave J (Medical Office)
2269 Ocean Ave (Medical Office)
1401 Ave U (Apteka)
1301 Ave U (Apteka)
3093 Ocean Ave (Day Care)
2753 Coney Island Ave (Medical Office)
6202 16th Ave (Day Care)
7819 18th Ave (Medical Office)
9407 5th Ave (Apteka)
6324 4th Ave (Apteka)
615 Ave C (Day Care)
1100 Coney Island Ave (Apteka)
1403 Foster Ave (Apteka)
500 Foster Ave (Store)

QUEENS

35-62 76 (Fantasiya Food)
44-14 Kissena Blvd (Kaspiy)
138-03 Queens Blvd (Beriozka)
120-08 Queens Blvd (Tom's Newsstand)
103-27 Queens Blvd (Kosher Palace)
102-03 Queens Blvd (Beriozka 2)
97-15 Queens Blvd (Howard News)
62-22 Woodhaven Blvd (Pharmacy Pivn W per)
91-06 63 Dr (Ural W)
93-07 63 Dr (Olgar)
94-09 63 Dr (Moskva)
97-28 63 Dr (Tadjikistan)
98-51 63 Dr (Albert Station)
63-24 99 St (Eden)
65-47 99 St (Kosher Store)
99-08 63 Rd (Micheal Inter Deli)
63-46 108 St (Gastronom)
64-16 108 St (M and M International)
64-51 108 St (Berezka 1)
63-29 108 St (Candy Land)
96-22 Queens Blvd (Rego Park Minimarket)
81-52 Lefferts Blvd (Romashka)
118-29 Metropolitan Ave (Russian Store)

MANHATTAN

6th Ave and 47th St (Grocery Store)
3th Ave and 34th St (Grocery Store)

**“Vatandosh” Ўзбек-Америка жамияти ҳамда
“Kings Bay Y” жамоатчилик маркази**

Саломатлик ва Маданият Марказига таклиф этади!



Мазкур марказ қошида янги “Соғломлаштириш дастури” ишга тушди. Унда сиз учун чўмилиш ҳавзаси (бассейн), жисмоний тарбия зали, аэробика, йога, бильярд, стол тенниси билан шуғулланишингиз учун барча қулайликлар мавжуд! Дастурлар юқори малакали мутахассислар томонидан олиб борилади.

Шунингдек, Марказда:

- Инглиз тили ва компьютер курслари;
- Кўнгилочар ва мусиқий дастурлар, машҳур шахслар билан учрашувлар;
- Кўрғазмалар, Нью-Йорк музейларига саёҳат;
- Миллий ва диний байрамлар, юбилейларни нишонлаш;
- Миллий кутубхона, халқ амалий санъати, ҳаваскорлик, шахмат-шашка ва бошқа тўғараклар;
- Ижтимоий маслаҳатчи хизматларидан фойдаланишингиз мумкин.

Дастур қатнашчилари ИККИ МАҲАЛ ҲАЛОЛ ИССИҚ ОВҚАТ ВА ТРАНСПОРТ БИЛАН ТАЪМИНЛАНАДИ.

Мақсадимиз: Америкада истиқомат қилаётган ватандошларимиз учун ўзбек жамоатчилик марказини ташкил қилиш. Сафимиздан ортда қолманг, азизлар!

Тўлиқ маълумот учун телефон: 347-757-1211 (Фароғат) ;

E-mail: farogat@vatandosh.org

Манзилимиз: 2801 Emmons Ave, Brooklyn, NY 11235

“Vatandosh” Ўзбек-Америка Жамияти тақдим этади:

ИММИГРАЦИЯ БЎЙИЧА БЕПУЛ АДВОКАТ МАСЛАҲАТИ ҳамда АМЕРИКА МАКТАБЛАРИДА ТАҲСИЛ ОЛАЁТГАН ФАРЗАНДЛАРИНГИЗ КЕЛАЖАГИ БИЛАН БОҒЛИҚ МУАММО ВА ЮТУҚЛАР ҳақида давра суҳбати

Тадбирда иммиграция билан боғлиқ қуйидаги ва бошқа барча саволларингизга жавоб олишингиз мумкин:

- Ўзбекистонда оила қурсам, қанча муддат ичида оиламни олиб кела оламан ва бунинг учун қанча харажат қилишим керак?
- Болаларимни Ўзбекистонга юборсам, у ерда қанча муддат туришлари мумкин? Ўзимчи? Қанча пайтгача қолиш Америкага қайтиб киришим учун муаммо туғдирмайди?
- Грин картаминг муддати тугаяпти, янги грин карта оламанми ёки Америка фуқаролигини олишим шартми?
- Меҳмонга келган қариндошим тиббий имтиёزلардан фойдаланиши мумкинми?
- Грин картага топширганимда, оилам ва фарзандларим борлигини яширган эдим; энди уларни олиб кела оламанми? Бунга қанча вақт кетади?
- Меҳмон/талаба визаси билан келганман, энди грин карта олмақчиман. Нима қилишим керак?
- Ота-онамга грин карта олиб бера оламанми?

Шунингдек, давра суҳбатида Америка мактабларида ёшларимиз юз тутаётган муаммолар ва улардан сақланиш ҳамда мактабларни муваффақиятли тамомлаш йўл-йўриқлари ҳақида маълумот оласиз.

Иммиграция ва Америка қонунлари юзасидан барча саволларингизга юқори малакали адвокат Камал Бабажан жавоб беради.

Тадбир 29 МАРТ, ШАНБА КУНИ СОАТ 14:00 ДА «Kings Bay Y» биносида бўлиб ўтади.

Тел: 347-278-1492 (Дилшод)

Манзил: 2801 Emmons Ave, Brooklyn, New York 11235;

E-mail: farogat@vatandosh.org.

Sharqona va Yevropa
taomlari



718-676-4800

1969 Bath Ave., Brooklyn, NY



#33 What you do makes you who you are.

Contact me about a career that can better your financial future while helping others with theirs.

Dilshat Rahmonov
Partner
New York Life Insurance Company
Manhattan GO
120 Broadway
29 Floor
New York, NY 10271
(212) 261-9536
dnrahmonov@ft.newyorklife.com
www.manhattan.nyoffices.com
We speak Russian and Uzbek.

Life Insurance. Retirement. Long-Term Care.

KEEP GOOD GOING

“WhatsApp”га овозли алоқа хизмати қўшилади

“WhatsApp” тезкор хабар алмашиш дастури “Facebook” ижтимоий тармоғи томонидан 19 млрд. долларга сотиб олиниши маълум бўлгач, мобил илова дастурига янги имкониятлар қўшиш устида аллақачон ишлар бошланган. “WhatsApp” бош ижрочи директори Жан Коумнинг айтишича, тез орада дастурга овоз орқали қўнғироқ қилиш имконияти ҳам қўшилади.

Янги хизматнинг қандай ишлаш тартиби ҳали маълум эмас. Унинг ёз ойигача фойдаланишга ҳавола этилиши кутилмоқда. Янги овозли имконият, дастлаб, “Android” ва “iOS” тизимида ишлайдиган телефонлар учун, сўнг “Nokia” ва “Blackberry” моделлари учун тақдим этилади.

“WhatsApp” дунёнинг энг машхур тезкор хабар алмашиш дастурларидан бири бўлиб, қарийб ярим миллиарддан зиёд фойдаланувчига эгаллиги айтилади. 330 миллиондан ортиқ одам ҳар куни ундан фойдаланади.



400 минг долларлик чўнтак соати



Швециянинг “Uwerk” соатсозлик компанияси дунёнинг кнг қиммат чўнтак соатларидан бирини ишлаб чиқарди. \$400 мингга баҳоланаётган ушбу соатнинг қандай антиқа хусусиятлари бор?

Гап шундаки, ушбу механик соат ўзида минг йилгача бўлган вақтни кўрсата олади унинг шунча муддат ишлашига кафолат берилмоқда. Корпуси тўлиқ пўлатдан ишланган. Унда, шунингдек, 51 та қимматбаҳо тошдан фойдаланилган. Ягона камчилиги – тўхтаб қолмаслиги учун ҳар 39 соатда бураб туриш керак. Бураш муддати яқинлашганда, соатдаги ички энергия ҳисобидан бураш фурсати келгани ҳақида огоҳлантирувчи қизил чироқ ёнади.

“Google” Нью-Йоркда илк дўконини очмоқда

“Google” Нью-Йорк шаҳрида ўзининг АҚШдаги илк дўконини очмоқда. Шу пайтгача интернет компания маҳсулотларини, асосан, онлайн-дўконлари орқали сотиб келган.

Дўкон 2500 кв. метр катталиқда бўлиб, 131 Грин Стрит манзилида жойлашади. Бу ерга яқин ҳудудда “Apple” дўкони ҳам жойлашган.

Унинг қачон ишга тушиши ҳали маълум эмас. Кузатувчиларнинг айтишича, “Google”нинг жисмоний савдо манзилларини очаётгани унинг технология соҳасида ишлаб чиқаришни кучайтираётгани билан боғлиқ.

Шу пайтгача “Google” Австралия, Индонезия ва Ҳиндистонда “Андроидленд” деб аталувчи дўконларини очган. Шунингдек, Лондондаиб “Curris and PC World” дўкони қошида “Chromezone” марказига эга.

Дўкон очиш бобида “Apple” компаниясига етадигани ҳали йўқ. “Microsoft” ҳам 63 та дўконлар тармоғига эга. “Samsung” шу йил Европада 60 та янги дўкон очишни кўзламоқда.



Дунёнинг илк қўл телефони



Биринчи мобил алоқа телефони бундан 30 йил муқаддам яратилганини кўпчилик билмаса керак. Ўшанда “Моторола” компаниясининг “ДунаТАС 8000X” русумли илк қўл телефони АҚШда қарийб \$4000 га сотилган эди. Бугунги кун нархлари бўйича, у \$9000 га тенг келади.

Оғирлиги яқин 1 кг. бўлган уяли телефон, асосан, бойларнинг қўлида кўз-кўз қилинадиган “ўйинчоқ” вазифасини ўтаган. У шунчалик катта эдики, ҳатто ишлаб чиқарган одамларнинг ўзлари уни “ғишт” деб атаган. Батареяси фақат ярим соатга етган холос.

Илк қўл телефонини омага тақдим этиш учун “Моторола” 10 йил вақт ва 100 миллион доллар сарфлади.

Федерал коммуникация кўмитаси фақат 1982 йилдагина уяли телефонлар ишлаб чиқарилишига рухсат берди. Бу пайтга келиб “Америтек” компанияси Чикаго шаҳри аҳолиси учун уяли тармоқ антенналарини қуришни бошлаб юборган эди.

1983 йилнинг 12 октябрида “Америтек” дунёда илк бор расман уяли алоқа учун абонент хизматларини тақдим этди. Ушбу хизматнинг бир ойлик абонент тўлови \$50 бўлиб, бундан ташқари ҳар бир дақиқа учун 40 сент тўлов олинган. Алоқа хизмати фақат эрта-лаб соат 5:00 дан кеч соат 5:00 гача тақдим этилган, холос.

«Vatandosh»

(Давоми. Боши ўтган сонда)

ИСЛОМНИНГ КЎПХОТИНЛИЛИККА МУНОСАБАТИ

Бошқа барча жабҳалардаги каби Исломи дини оила ва никоҳ масаласида ҳам илоҳий адолатни жорий этган, муаммоларни тўғри ислоҳ қилган диндир. Исломи динида тўрттагача хотинга уйланишга рухсат этилишининг жуда кўп ҳикматлари ва манфатлари борки, буни бугунги кунимизда ҳамма жуда яхши англаб, тушуниб турибди. Аммо ҳаммаша Исломига ва унинг қадриятларига душманлик кўзи

Исломидаги кўпхотинлиликка рухсат берилишининг ҳикматлари куйидагилар:

1. Кўпхотинлилик фақат Исломига хос эмас. Бу нарса дунёнинг ҳамма халқларида, ҳамма тузумларида бўлиб келган. Баъзиларида ҳозир ҳам бор. Африкада хотини нечта эканини билмай, санаб-санаб охирига ета олмаган қабила бошлиқларининг борлиги сир эмас. Насроний дини канисаси Африкада ўз динини тарқатишда биттадан ортиқ хотинга уйланишнинг ман қилинган ишга халал бераётганини эътиборга олиб, биттадан кўп хотинга уйланишга истисно тариқасида рухсат бергани ҳам сир эмас. Нима учун

шимолликларнинг ҳам, мижози кучли, битта хотин билан сабр қила олмай-диган жанубликларнинг ҳам динидир...

4. Эркаклар ва аёллар саноғидаги номутаносиблик ҳам кўпхотинлик низоми тўғри эканини кўрсатади. Ҳамма замон ва ҳамма маконларда аёллар эркаклардан кўп бўлиб келган, келмоқда ва келади ҳам. Қиёмат яқинлашганда эса, умуман кўпайиб кетиши муқаррар. Илмий изланишлар натижасига эътибор бериладиган бўлса, гўдаклар ўлими бўйича ўғил болалар ўлими қиз болалар ўлимидан кўпроқ. Иш, кўча ҳодисаларида ҳам асосан эркаклар


Аҳмад МУҲАММАД

қилишнинг ҳам уч йўли бор. Биринчи йўл: эр зино йўлига ўтиб, бошқа аёллар билан ҳаром-хариш юриши керак. Бу йўлнинг турган-битгани зарар экани ҳаммага маълум... Иккинчи йўл: бемор аёлни талоқ қилиб, ҳайдаб, ўрнига бошқа хотин олиш. Бу номардлик бўлади. Бир муштипар аёлни ёшлигида, соғлигида олиб юриб, бемор бўлгани учун талоқ қилиш. Болаларини ҳам тирик етим қилиш. Орадаги оилавий ҳаётнинг ҳурмати йўқми? Болаларнинг ҳурмати йўқми? Учинчи йўл: исломий йўл. Унда бемор аёл ва

КЎНГИЛХУШЛИКМИ Ё КЎНГИЛ ҒАШЛИК? ёхуд кўпхотинлилик муаммоларига бир назар

билан қараб келган ғарб мафкураси бунда ҳам фирромлик йўлига ўтиб, Исломига қарши курашда кўп хотин олишнинг “мудҳиш оқибатлари” билан қўрқитишда давом этиб келяпти. Аслида ҳақиқат қаерда? Келинг, давримизнинг атоқли уламоларидан шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуфнинг бу борадаги фикрларига мурожаат қилайлик:

“Қадимги вақтда Исломи душманлари “бир эркакка тўрт хотин кифоя қилади” деган ҳукм учун, бу жуда озку, деб тўхмат тошини отган эдилар. Бир кишига тўрттадан ортиқ аёлга уйланишни ман қилиш жабр ва зулм, ҳар ким хоҳлаганича аёлларга уйланиш имконига эга бўлиши керак, деб дод солган эдилар. Яна оғизларига нима келса, шуни айтиб вайсаган эдилар. Бир кишига тўрттадан ортиққа уйланишнинг ман қилиниши эркак киши жинсий жиҳатдан ҳар қандай кучли бўлганда ҳам бундан кўп хотин тутса адолат қила олмаслиги, аёлларнинг ҳақини поймол қилиши эътиборидандир. Ҳозирги вақтда эса, Исломи душманлари “бир эркакка тўрт хотин кифоя қилади” деган ҳукм учун бу жуда кўп-ку, деб тўхмат тошини отмоқдалар. Исломи душманлари Исломининг кўпхотинлиликка рухсат берганини шунчалик кўп тўхмат қилишганки, ҳатто дунёда кўпчилики Исломи деганда тўртта хотинга уйланишни тушуниб қолган. Баъзилар Исломи ҳақида ҳеч нарса билмаслиги мумкин, аммо Исломи тўртта хотинга уйланишга рухсат берганини яхши билади. Агар Исломи душманларининг бу масаладаги шовқин-суронларига эътибор бериладиган бўлса, худди Исломи фақат шу масаладан иборатга ўхшаб қолади. Улар Исломдан сўз очишлари биланоқ тўрт хотинлилик масаласига ёпишиб олишади. Гўё Исломи шариасти мусулмон эркакларга тўрттадан хотин олишни фарз қилиб қўйгандек гап қилишади. Бу ҳолат асрлар давомида душманлар томонидан Исломига қарши олиб борилган ташвиқотларнинг самарасидир. Бу тарғиботлар ҳатто ўзини мусулмон санаб юрган баъзи жоҳилларга ҳам таъсирини ўтказган.



қадимдан бўлиб келаётган, ҳозирда ҳам мавжуд масала учун фақат Исломи танқид қилинади?!

2. Исломи кўпхотинлиликни янгидан чиқарган эмас, балки мавжуд бўлган тартибсиз, чегарасиз, зулм ва жабрдан иборат, хотинларнинг ҳеч бир ҳақини риоя қилмайдиган ҳукмини тартибга солган, чегаралаган, адолат бўлишини, хотинларнинг барча ҳақлари риоя қилинишини йўлга қўйган. Биринчидан, аёллар сонининг тўрттадан ошмаслигини қатъиян тайин қилган. Тўрттадан ортиқ хотини борларга амр этиб, ортиқчаларига жавоб беришни йўлга қўйган. Биттадан ортиқ хотин олиш учун хотинлар ўртасида адолатли бўлишини шарт қилиб қўйган. Кўп хотинли эрнинг хотинларига бир хилда нафақа, турар жой, муомала ва бирга ётишни таъмин қилишини шарт қилган. Агар шу шарт вужудга келмаса, биттадан ортиққа уйланишга рухсат берилмаган. Аллоҳ таоло Қуръони каримда: «Агар адолат қила олмаслиқдан қўрқсангиз, биттани (олинг)», деган.

Имом Аҳмад, Абу Довуд, Термизий, Насай ва Ибн Мажалар ривоят қилишган ҳадисда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Кимнинг иккита хотини бўлсаю, улардан бирига майл кўрсатса, қиёмат куни бир ёнбоши мойил-қийшайган ҳолида келур», деганлар.

3. Исломи оламшумул диндир. У ҳамма маконлар, ҳамма замонлар ва ҳамма одамларнинг динидир. Шунинг учун ҳамманиннг эҳтиёжини, ҳамманиннг табиати ва талабларини эътиборга олгандир. Исломи мижози суст, битта хотинни зўрға эплайдиган

ўлади. Урушларда ҳам эркакларга қирон келади. Доимо эркакларнинг ўртача умр кўриши аёлларнинг ўртача умр кўришидан оз бўлади. Фараз қилайлик, бир жамиятда бир эркакка икки аёл тўғри келадиган бўлиб қолди, нима қилиш керак? Агар бир эркак бир хотинга уйланса, ортиб қолган хотинлар нима қилади?

...Эркаклар ҳаммаси банд, хотини бор. Бундай ҳолатда мазкур масалани ҳал этишнинг фаразий уч йўли бор. Биринчи йўл: ҳаром иш тутиш. Жинсий эҳтиёжини қондириш учун зино қилади. Бола кўриш учун ҳароми бола орттиради. Эрли ва оилали бўлиш орзуси эса рўёбга чиқмай қолади. Иккинчи йўл: бировнинг оиласини бузиб, хотинини талоқ қилдириб, ўзи тегиб олиш. Оқибатда бир оила бузилади. Бир хотин эридан, бахти-содатидан, оиласидан маҳрум бўлади. Орадаги болалар тирик етим бўлади. Яна қанчадан-қанча муаммолар келиб чиқади. Учинчи йўл: исломий йўл. Ҳалол-пок, рози-ризалик йўли билан иккинчи хотин бўлиш. Албатта, ўзини билган, заррача бўлса ҳам инсонийлиги бор одам учинчи йўл-исломий йўлни танлайди. Фақат шу йўлгина энг одил ва энг тўғри йўлдир.

5. Никоҳдаги аёлларнинг жисмоний ожизлиги. Маълумки, инсон ҳаётида турли ҳолатлар бўлиб туради. Баъзи вақтларда бир муддат оилавий турмуш қилиб, фарзанд орттириб, сўнгра аёл киши оғир дардга чалиниб қолиши мумкин. У аёл эрига хотинлик хизматини қилишга умуман ярамайди. Эркак эса ёш, яшагиси, яна кўпроқ бола кўргиси келади. Бундай ҳолатда нима қилиш керак? Буни муолажа

болалари билан бирга қолиб, улар билан аввалгидан ҳам яхши муносабатда бўлиб туриб, ҳалол йўл билан иккинчи хотинга уйланиш. Албатта, ўзининг қадрини билган, пок ҳаёт кечиршни хоҳлаган киши аввалги икки йўлни кескин рад этади ва учинчи йўл — исломий йўлни танлайди. Зотан, энг тўғри йўл ҳам шудир.

6. Фарзанд кўрмаслик масаласи. Яна ҳаётда тез-тез учраб турадиган масалалардан бири эру хотин оила қуриб, ўн йил ёки ундан ортиқ бирга яшаб ҳам фарзанд кўрмаслик ҳолатидир. Табиатдан аёл кишида она бўлишлик имкони йўқ эканлигини аниқладилар, деб фараз қилайлик. Бундай ҳолатда келиб чиққан муаммо қандоқ ечилади? Шунча йил умид билан бирга яшаган, иссиқ-совуқни бирга татиган вафодор аёлни талоқ қилиб, бошқа аёлга уйланиши керакми? Ёки эркак ҳам имкони бўла туриб фарзандсиз ўтиши, ортида зурриёт қолдирмай бу дунёдан ўтмоғи лозимми? Бу муаммони тўғри ҳал қилишнинг бирдан-бир йўли Исломи ҳукмини татбиқ қилишдир. Аввалги аёлни ҳам ўзи билан бирга олиб қолиб, розилик ва поклик йўли билан яна бир аёлга уйланиб, бахтли ҳаёт кечириб, фарзандли бўлиш.

Ҳозирги кунда Исломининг ушбу кўпхотинлилик ҳақидаги рухсатидан фойдаланмаслик оқибатида дунёда кўплаб муаммолар келиб чиқиб, газак олиб бормоқда. Зино, фаҳш ишлар ҳаддан ошиб, шу туфайли турли касалликлар, ижтимоий, ахлоқий муаммолар кенг тарқалмоқда. Кўплаб оилаларнинг бузилишига ҳам шу рухсатдан фойдаланмаслик сабаб бўлмоқда. Кўпгина давлатларда аҳоли сони камайиб бормоқда. Ғайриислом миллатларнинг аёллари намоийшлар ўтказиб ва бошқа турли йўллар билан кўпхотинлиликка рухсат беришни талаб қилмоқдалар. Кўпхотинлиликнинг ҳикматлари юқорида зикр қилинганлар билан тугаб қолмайди. Бунга ўхшаш ҳикматларни яна келтириш мумкин (“Ҳадис ва Ҳаёт”, 13-жилд).

(Давоми келгуси сонда.)

Лола Элтоева: «Ўзликни англатувчи асарлар кўпайиши керак»

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Лола Элтоеванинг айтишича, аксарият ёшларнинг тили кўполлашиб, бузилиб борапти. Ҳатто баъзи ёши катталар ҳам борки, сўкинади, қарғанади, оғзига келганини қайтармайди. Сўз бойлиги йўқ, билганлари эса асосан кўча гаплари. «Оила даврасида» газетаси мухбири саволларига жавоб берар экан, у бу ҳолатни ёшларнинг тарбиясида адабиёт ва мутолаанинг ўрни камайиб бораётгани билан изоҳлайди.

«Улар билан икки дақиқа суҳбатлашиб бўлмайди. Нега? Чунки суриштирсангиз, бундайларнинг кўпи китобдан бутунлай йироқ, тарбияси сустроқ бўлиб чиқади. Маънан қашшоқ, ўқиган-у, ўқмаган, десак ярашади. Назаримда, бунинг аччиқ сабаби ўшаларнинг оиласи даврасида муҳит чатоқ. Менимча, ана шу муҳитни ҳам фақат ва фақат мутолаага эътиборни кучайтириш орқалигина ўзгартириш, яхшилаш мумкин», — дейди актриса.


Актрисанинг айтишича, ўтмишга му-



рожаат қилиб, асл кимлигимизни ёдга олиб яшаш, ижод қилиш ниҳоятда улғу иш. «Мен яқинда шоир, драматург Усмон Азим қаламига мансуб «Алпомиш» эпосимиз руҳини берувчи «Тонг отган тарафларда» спектаклида роль ўйнаганимдан бениҳоя хурсанд бўлдим. Айтишимда бу ўта масъулиятли, юки оғир

юмуш. Ўзликни англатувчи асар қанча кўп бўлса, халқнинг қадди тик, ғурури баланд бўлади», деди у.

Журналистнинг «актрисалар, ҳатто, эркак актёрлар ҳам ҳадеб йиғлайверади. Керак бўлсаям, зарурат бўлмасаям... Нега шунақа, а?» деган саволига жавоб берар экан, роль ижросида кулишдаям, йиғлашдаям, ҳатто, жим туришдаям меъёр бўлиши кераклигини айтади. «Ўқириб йиғлаш дегани ролни қойиллатиб ўйнади, дегани эмас», — дейди Лола Элтоева.



«Хонадон эгаси» фильми суратга олинди

«Ўзбеккино» Миллий агентлиги буюртмасига биноан «Ўзбекфильм» киностудиясида «Хонадон эгаси» бадий фильми суратга олинди.

«Хонадон эгаси» фильми сценарийси таниқли ёзувчи Эркин Аъзам томонидан ёзилган бўлиб, постановкачи режиссёр, Ўзбекистон халқ артисти Ёдгор Саъдиев томонидан суратга олинган. Ушбу фильмда актёрлар Ёқуб Аҳмедов, Хайрулла Саъдиев, Раъно Шодиева, Фатхулла Маъсудов ва бошқа ижодкорлар роль ўйнаган.

«Ўзбеккино» Миллий агентлиги сайтининг хабар беришича, фильмда нуроний, донишманд отахоннинг ўз оиласида тотувликни сақлаш, муҳтож инсонларга кўмак бериш, набираларига тўғри тарбия бериш борасидаги саъй-

ҳаракатлари ҳақида қизиқарли, таъсирчан ҳикоя қилинади.

Хонадон бошлиғи, уста Зухриддин пенсия ёшидан ошиб кетгани-ю ногиронлигига қарамай, тиниб-тинчимайди — сават тўқиб, оғайниси Афзал чаққоннинг ёрдами билан бозорга чиқариб туради. Лекин у бошлиқ хонадон ўзи истагандай тинч эмас. Турмушга чиққан қизи Латофат ҳам уйи йўқлиги сабабли бир ўғли билан униқиди яшайди. Мўмай пул топаётган ўртанча ўғил Наримон ака-укасини менсимай қўяди. Аста-секин фарзандлар ўртасида гап қоча бошлади, ота эса уларни мурасага келтириш билан овора...

Фильм премьераси 2014 йил 19 март куни Алишер Навоий номидаги кино саройи ва Киночилар уйида бўлиб ўтади.

Суратда кўриб турганингиз америкалик Жессика Лонг сузиш бўйича паралимпия ўйинларининг бир неча карра чемпиони ва жаҳон рекордчиси саналади. Аммо у бундан 22 йил муқаддам, яъни 1992 йилнинг 29 февралда Россиянинг Братск шаҳрида рус қизи бўлиб дунёга келганди. Бироқ... Қандай қилиб, у океан ортига бориб қолди?

Ёшлиқдаги шўхликнинг «меваси»

Қиз ва йигит танишишди. Наталья 18 ёшда, Олег эса қалбини ўғирлаган қиздан бир ёш кичик эди. Қиз ишонувчан эди. У Оленинг кулиб туриб айтган дил изҳорларига чиппа-чин ишонди. Ҳар куни йигит у билан умрининг охирига қадар бирга бўлишга ошкоч ичар, унинг учун ҳамма нарсага тайёрлигини айтишдан чарчамасди. Бироқ унинг муҳаббати қанчалар «чексизлиги» Наталья ҳомилдор бўлиб қолганлигини айтгандан сўнг билинди. Олег ўша куниёқ Братск шаҳридан исиз йўқолди. Наталья Олегни бир кун кутди, бир ҳафта кутди. Лекин ундан дарак бўлмади. Куттишлари ойларга уланиб кетса ҳамки, туғилажак фарзандининг отаси ҳамон йўқ эди.

Ниҳоят, кичкинагина қизалоқ дунёга келди. Ўз исмига уйғун қилиб, қизига Татьяна, деб исм қўйди. Шифокорлар туғруқхонанинг ўзидаёқ ёш онага «Фарзандингиз жуда нимжон, суяклари мўрт. Уни яхшилаб парвариш қилинг»,



дейишди. Туғруқхонадан жавоб берилган куни Наталья қаёққа боришни билмай боши қотди. Ота-онасининг олди-га борсинми? Ахир уларни тарк этган ўзи эмасми? Бу нимжон қизалоқни энди қандай қилиб вояга етказди? Пулни қаердан топади? Шундай саволлар исканжасида қолган Наталья мурғак гўдакни кучоқлаганча, Братск шаҳридаги «Меҳрибонлик уйи» томонга бурилди. Дилбандини «Меҳрибонлик уйи» дарвозаси тагига қўйишдан олдин, миттигина юзларидан, дунёга кулиб турган кўзларидан ўпди. Кейин

уйнардди. Бир куни Меҳрибонлик уйи директорида Америкадан келган жуфтлик — Стивен ва Элизабет Лонг бола асраб олиш ҳақида мувожаат қилишди. Сўзлари сўнгиди «Бир ёш атрофида бўлгани яхши. Кейинчалик, эсини таниганда ҳам ҳақиқий ота-онаси биз эканлигимизга ҳеч қандай шубҳаси қолмасин», дейишди. Директор уларга бирма-бир болаларни кўрсатди. Стивенга бир бола маъқул келиб, «Шу болани ўзимизга ўғил қилиб олсак қандай бўларкин?» деди. Элизабетнинг нигоҳи ўтирганча ўйинчоқларни ўйнаётган

«Сизни кечирдим, Паралимпия чемпионининг

Паралимпия чемпионининг

эса ортига қарамай кетди.

Америкалик малак

Қизалоқ Меҳрибонлик уйида улғая бошлади. Ҳафталарни қувлаб ойлар ўтди. Татьяна 1 ёшга тўлди. Бироқ етимхонадаги ўзи тенгқур болалар сингари у ҳаракатлана олмасди. Ўтирганча олдида сочилган ўйинчоқларни

қизалоққа қадалиб қолганди. У директордан қизалоқ ҳақида сўради. «Бу қизалоқни кимдир ташлаб кетган. Балки отасидир, балки онасидир, билмаймиз. Дарвоза тагидан топиб олдик. «Уйимиз» шифокорлари текшириб кўришиб, гўдакнинг суяклари яхши ривожланмаганини айтишди. Эҳтимол, яхши парвариш қилинса, юриб кетар», деди. Элизабет секин қизалоқнинг олдида борди-да, юзларидан ўпиб, кўтариб олди. Эри — Стивен уни сўзсиз тушунди.

Янги дунё, янги ҳаёт

Қизча янги ота-онаси билан янги уйи — Америкага, Мэрилендга парвоз қилди. Энди у Жессика эди. Стивен ва Элизабет Жессикани кўрсатмаган шифохонаси, шифокори қолмади. Америкалик тиббиёт даҳолари ҳам Жессикани обдон текширувдан ўтказишиб якуний хулосага келишолмаётганди. «Балки яхши парвариш қилинса, юриб кетар» деган Братск шаҳри Меҳрибонлик уйининг директори айтган гаплар Стивен ва Элизабетга қандайдир куч берарди. Аммо ундай бўлиб чиқмади. Беш ойлик текширувлардан кейин, шифокорлар «Қизалоқнинг тиззасидан кесиб ташлашга мажбурмиз. Акс ҳолда...»

Вазифа нега бажарилмади ёки нотўғри вазифа берилганми?



Сурагда Миржалол Қосимов

“БАА Осиёнинг энг навқирон жамоаси”, “БАА ёш бўлса ҳам тажрибага эга бўлган жамоа”, “БАА Тошкентда бирор марта мағлубиятга учрамаган”, “БААнинг етакчилари Тошкентга келишмади”.

Бу каби гап-сўзларни биз 5 мартга қадар жуда кўп эшитдик. Бўлса бордир, Ўзбекистон термаси ҳам чакки жамоа эмас. Осиё кубоги ярим финалчиси, жаҳон чемпионати саралашининг плей-оффчиси. Статистикани эса ўзгартириш мумкин. ЎФФ президенти Миржалол Қосимов олдига БАА устидан йирик ҳисобда ғалаба қозониб мухлисларни хурсанд қилиш ва БААдан ўтган йилги мағлубият учун реванш олишни вазифа қилиб қўйган. Мактабда ўқувчи, университетда талаба ёхуд ишхонада ходим раҳбарнинг берган вазифа-

сини бажармаса нима бўлади? Белгиланган тартибда вазифани бажармаган шахсга чора кўрилади. Биринчи марта бўлса ёки ишнинг муҳимлигига қараб огоҳлантириш, кейин ҳайфсан ва охирида вазифасидан озод қилиш ҳам меҳнат кодексларида кўрсатилган.

Лекин, футбол ёки уни бошқарадиган юқори ташкилотнинг бу кодекслар билан иши йўқдек, назаримда. Агарда белгиланган вазифалар бажарилмаган тақдирда айбдорлар аниқланиб жазоланаверганда бугун футболимиз ҳувиллаб қолган бўларди. Баъзан ўйлаб қоласан киши, балки, вазифаларни қўяётган футболимизнинг юқори раҳбарлари футболчиларнинг ўзларига, мураббийларга бошқа гап айтиб, матбуот ва мухлислар учун бошқача етказётганмикан? Бу фикрнинг тўғри бўлмаслиги тарафдориман. Агарда шундай бўлса, “қўйнимиз ҳали жуда кўп пуч ёнғоққа тўлади”.

Вазифани бажара олмаётгани тўғри бўлса керак, менимча. Чунки, футболчилару мураббийлар майдонда борини бериб ўйнашди. Начора, уларнинг бори шу бўлса. Балки бундан ҳам яхшироғига эшириши мумкин эди.

Лекин, “тўйга борсанг тўйиб бор” деб бежиз айтмаган. Тайёргарлиги яхши, пишиқ-пухта қилиб, кучлилар билан ўйнаб майдонга тушган яхшими ёки дабдурустдан кучли рақибга дуч келиб, унга борини берганми?

Миллий терма жамоанинг Миржалол Қосимов бошқара бошлаган пайтидан эътибор қаратсак, ўртоқлик ўйинлари ташкил этиш, кучли спарринг-рақиблар топиш масалаларига эътиборсизлик қилинганининг гувоҳига айланамиз. Пичоқни ҳам ишлатмасангиз у занглаб қолади. Миллий терманинг ҳам кескирлиги унинг қанчалик кўп ўйин ўтказгани билан боғлиқ. Бу ишда ЎФФнинг ичида қандайдир аҳилликни йўлга қўйиш керакка ўхшайди. Терма жамоаларга масъул бўлган марказ ва жамоаларнинг мураббийлар штаби бир ёқадан бош чиқара олмаяпти. Акс ҳолда Анзур Исмоилов ҳам етиб келарди, БААни ҳам мағлуб этардик, ўртоқлик ўйини ҳам ўтказиларди.

Хулоса шуки, ё ЎФФ вазифа қўйишда адашмоқда ёки бўлмаса бажаришда!

Норбек НИЁЗОВ

Онажон!”

21 йиллик изтироби

Жессика 18 ойлигида икки оёғининг тиззасидан пастидан айрилди. Элизабет шу қадар Жессикага меҳр қўйгандики, у туққан онадан ҳам зиёд эди. Дилбанди учун ҳамма нарсага тайёр эди. Бир куни Элизабет “оёқсиз” қизининг гилам устида “сузаётган”ини кўриб, ҳайрати ошди. Ҳақиқатдан ҳам Жессика қўллари билан шу қадар тез ҳаракатланар эдики, гўёки у дельфин. Эртаси куни Элизабет ва Стивен Жессикани сузиш тўғрисида олиб боришди. Шахсий мураббий ёллашди. Бу пайтда қизалоқ эндигина беш ёшга қадам қўйганди. Орадан ҳеч қанча ўтмай, у мактаб ёшига етди. Ота-она қизларини бу байрам учун ажойиб совға билан тақдирлашди: протез оёқ. Энди Жессика ногиронлик аравачасида эмас, ўз тенгқурлари каби оёқларида мактабга борарди. Ўқишдан кейин сузишга.

Энг ёш чемпион

Бир неча йиллик машғулотлардан сўнг, Жессика сузиш ҳавасида гўёки балиққа айланди. У шу қадар тез сузардики, ҳаттоки, соғлом спортчилар ҳам у билан баҳслаша олмасди. Ниҳоят мураббийи уни ногиронлар ўртасида бўлиб ўтадиган Америка чемпионати-га олиб борди. Биринчи мусобақадаёқ, Жессика олтин медални қўлга киритди. Мутахассислар, паралимпия

қўмитаси бу қизнинг номи-ни дарров дафтарларига ёзиб қўйишди. Ўшанда Жессика 11 ёшда эди. Орадан бир йил ўтиб, 2004 йили Афинада бўлиб ўтган ёзги Олимпия ўйинларидан сўнг ўтказилган Паралимпия мусобақаларида 100 метрга эркин, 50 метрга баттерфлай, эркин усулда сузишда олтин медаль соҳибасига айланди. Бу билан у Гиннес рекордлар китобига “Энг ёш паралимпия чемпиони” сифатида кирди. 2005 йили Миннесотада ўтказилган ногиронлар ўртасидаги сузиш мусобақаларида 5 бор шоҳсупанинг энг юқори ўрнига кўтарилшдан ташқари, 2 бор жаҳон рекордини янгилади. Умуман олганда, Жессика Лонг ўзи иштирок этган мусобақаларда 18 бор жаҳон рекордини янгилашга муваффақ бўлди.

Сўнги – “Лондон – 2012” Паралимпия ўйинларида у олтин медаль билан тақдирланар экан, шундай деганди:

“Мажруҳлик инсонларнинг баданида эмас, миясининг ичидадир”.

“Туққан онамга бир саволим бор”


Тоғ билан тоғ учрашмайди, аммо... “Ҳақиқий ота-онаси биз эканлигимизга ҳеч қандай шубҳаси қолмасин”. Болани асраб олаётганда Элизабет шундай деганди. У ҳам она. Унда ҳам қалб бор. Жессикадан ташқари, ўзи дунёга келтирган икки фарзанди бор. Шу боис у ўтган йили Жессикага ҳақиқий ота-онаси россияликлар эканини айтди. Аввалига Жессика ишонмади. “Сиз менинг

онамси! Меҳрибон онажонимси!”, дея кўзёшлар тўқди. Бироқ Элизабет ва Стивен барчасини обдон тунтиргач, “Майли, Россияга борганим бўлсин. Мени дунёга келтирган онамга саволим бор. Кўп эмас, биттагина: Мени нега ташлаб кетдингиз, онажон!”

Россияга келишдан олдин Жессика саволлар исканжасида қолганди. “Мени нега ташлаб кетдингиз, онажон, дейманми? Ёки... Барибир мени дунёга кетирган она у! Бир сабаб туфайли шундай қилишга мажбур бўлгандир. Хафа эмасман, аммо у кишига мени шу даражада тарбиялаган, вояга етказган ота-онам ҳақида сўзлаб бераман”, дея Иркутск вилоятининг Братск шаҳрига йўл олди.

“Онам тайёрлаган салат – энг лаззатли таом”

2013 йилнинг сўнги – декабрь ойида 21 йиллик айрилиқдан сўнг, она ва бола, ота ва бола, опа ва сингил, ука дийдорлашишди. Буни қарангки, Олег биринчи фарзанди туғилганидан кейин яна ўз севгилиси – Натальянинг олдига қайтган экан. Улар яна бир оила бўлиб, бир қиз ва бир ўғилни дунёга келтиришган экан. “Мени дунёга келишимга сабабчи бўлган ота-онамнинг олдига келганимдан бахтиёрман. Братскача бўлган йўл оралигида қандайдир бир нафратга ўхшаган туйғу мени қамраб олгандай эди. Бироқ онамни кўрдим-у, барчаси бир зумда тарқалиб кетди. Синглимни кўриб, ҳайратимни яширол-



© Julian Finney/Getty Images

мадим. У худди менинг ўзим эди. Унга билагузук, онамга маржон, отамга эса Инжил китобини совға қилдим. Кейин бир дастурхон атрофида ўтирдик. Онам ўз қўллари билан рус миллий салатини тайёрлади. У тайёрлаган салат, шу кунгача тановул қилган таомларим ичида энг лаззатлисидир», дейди Жессика Лонг – Татьяна Кирилова.

Дилмурод ПАРПИЕВ,
Sports.uz



OZODBEK NAZARBEKOV

MAY 2 · 7PM
Cincinnati, OH
T: 513-312-7788

MAY 3 · 7PM
Brooklyn, NY
T: 718-501-5872
(Queens) 917-577-1236

VATANDOSH UZBEK-AMERICAN FEDERATION
PRESENTS

March 21 · 7pm

Navro'z

VATANDOSH
UZBEK-AMERICAN
FEDERATION
Cultural & Community Center



FEATURING: Sidiq Sanaev • Sayfiddin Pazletdinov • Zamira Salim va O'zbekiston gullari • Karomat Otajonova • Muhabbat Shamaeva
Ozod Ibragimov • Umid Rizkulov • Dilshod Zokirov va Farogat Zokirova • IDANCE group raqs guruhi • Jahongir Turdiev • Anvar Bekmatov
Nadmira • Farhod Usmanov • Amir Muslimov • Azamat Mahmudov

RESERVATIONS: 347-278-1492 • ORION PALACE: 2555 McDonald Ave Brooklyn, NY 11223
www.vatandosh.org